



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

А Х Б О Р О Т Н О М А С И

№ 1 (31)

2014

Тошкент – 2014

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
АХБОРОТНОМАСИ**

2014 йил №1 (31)-сон

**Ўзбекистон Матбуот ва
Ахборот агентлиги
Оммавий ахборот
воситаси давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги тўғрисида
гувоҳнома № 0838**

1999 йилдан чиқа бошлаган

**Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда
ўзбек ва рус тилларида
босилади**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ

**Мирза-Улуғбек
АБДУСАЛОМОВ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

**Комилжон АДИЛОВ
Отагалди БОБОЖОНОВ
Жанабай САДИКОВ
Темур ШИРИНОВ
Жавлон АБДУЛЛАЕВ**

**БОШ МУҲАРРИР
Низомиддин НУРМАТОВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100078, Тошкент шаҳри,

Мустақиллик майдони, 6.
www.elections.uz
e-mail: saylov@umail.uz
Телефон: 239-43-91

Нашриёт лицензияси АИ № 158.14.08.09.
Босишга 2014 йил 11 ноябрда рухсат этилди.
Бичими 60x84¹/₈. Офсет қоғози. «Times» гар-
нитурасида офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 16,74+0,93 зарв. Нашр
табоғи 15,08+1,04 зарв. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 14-645.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги-
нинг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий
уйи. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

МУНДАРИЖА

5

М. Абдусаломов. Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистонда демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишдаги ўрни ва аҳамияти.

11

Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайлов ўтказиш бўйича халқаро стандартлар

14

Сўз анжуман қатнашчиларига

16

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Кўчирмалар)

19

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

24

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори

26

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори

27

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори

29

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2013 йилда амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботи ва 2014 йилнинг биринчи ярмига

мўлжалланган иш режаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

30

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Н.А.Чариевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

31

«Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

32

«Э.Т. Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

33

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси С. Шералиевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

34

«Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбатини ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

36

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси С.Б. Артикованинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

37

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосарини сайлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

38

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишлайдиган комиссия аъзолари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

39

«2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

58

«Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

59

«Ф. Умаровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

60

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби, котибият бошлиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

61

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи ва жорий йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

62

«Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш бўйича туркум семинарлар ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

65

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

71

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Марказий сайлов комиссиясидаги учрашувлар

73

Халқаро конференциялар, анжуманлар, семинарлар

Мирза-Улужбек Абдусаломов

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ¹

Ҳар қандай демократик давлатда сайловлар энг муҳим сиёсий воқеа ҳисобланиб, у давлатнинг истиқболга мўлжалланган танлови ва стратегиясини белгилайди. Давлат ҳокимияти органларини сайлов орқали шакллантириш йўли мамлакатдаги конституциявий тузумнинг демократия тамойилларига асосланганлигини намоён этувчи кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда демократиянинг асосий талаби – кишиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришларига, эркин сайловларга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари айниқса яққол намоён бўлади».

Сайловларнинг конституциявий-ҳуқуқий институтининг демократлашганлиги фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида марказий ўрин эгаллайди. Ушбу институт туфайли фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Конституциясида мустақамлаб қўйилганидек, «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».

Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, уларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш Конституция ва қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида амал қиладиган мустақил сайлов комиссиялари зиммасига юкланган.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон амалиётида сайловларни ташкил қилишнинг тўртта тури мавжуд.

Биринчи тури – сайловлар ҳукумат томонидан ўтказилиши билан таснифланади. Мисол учун, Германияда сайловлар Ички ишлар вазирлиги томонидан

¹ Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлари» мавзусидаги халқаро давра суҳбатидаги нутқи (2014 йил 23 май, Тошкент шаҳри).

ўтказилади. Участка сайлов комиссияларига давлат хизматчиларидан иборат мансабдор шахслар сайланади.

Иккинчи тури – сайловлар суд органлари томонидан ташкил этилиши билан изоҳланади. Масалан, Покистонда Марказий сайлов комиссияси Олий суднинг уч нафар судьясидан ва бошқа суд раисларидан иборат таркибда сайланади. Руминияда Марказий сайлов комиссиясига қуръа ташлаш йўли билан Олий суднинг 7 нафар судьяси сайланади.

Учинчи тури – кўппартиявийлик асосида Марказий сайлов комиссиясига манфаатдор сиёсий партияларнинг вакиллари тайинланиши билан ажралиб туради.

Тўртинчи тури – бу мустақил Марказий сайлов комиссиясини тузиш.

Ўзбекистон тўртинчи турни – доимий асосда фаолият кўрсатадиган ва ҳокимият вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминлайдиган мустақил органни – Марказий сайлов комиссиясини тузиш йўлини танлади. Таъкидлаш жоизки, Марказий сайлов комиссиясини тузиш, биринчи навбатда, халқаро сайлов стандартларидан келиб чиқади.

Мустақил орган сифатида Марказий сайлов комиссияси 1998 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда ва сайлов ўтказишнинг асосий ташкилотчиси, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг кафили ҳисобланади. Бунда Марказий сайлов комиссияси зиммасига нафақат парламент ва президент сайловларини, балки жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш юкланган.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципи янада тўлиқроқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизими янада демократлашувига, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиклиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов жараёнида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Демократик ҳуқуқий давлат асосларини янада мустаҳкамлаш мамлакатнинг ҳар томонлама тараққий этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш ва кафолатларини кучайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан парламент муҳокамасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим модда-

ларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистоннинг сиёсий давлат тузилишини янада демократлаштириш учун алоҳида аҳамият касб этади. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» асосий тамойилнинг изчил татбиқ этилишига, мамлакатимизнинг ривожланган демократик мамлакатлар даражасига эришишига хизмат қилади. Шубҳасиз, Конституцияга киритилган тузатишлар сайлов тизимини янада такомиллаштиришни ҳам англайди.

Шунингдек, Асосий Қонунга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга, халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини татбиқ этишнинг муҳим кафолати ҳисобланган ижро этувчи ҳокимият устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш яхлит тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, сайловда парламент қуйи палатасида энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўрсатишнинг янги тартиби жорий этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мустақил орган – Марказий сайлов комиссиясини демократик шакллантириш тартиби, унинг асосий вазифалари ва фаолият принциплари, Комиссия аъзоларининг Сенат томонидан сайланиши каби муҳим масалаларнинг конституциявий мустаҳкамлаб қўйилишини таъминлади.

Марказий сайлов комиссиясига ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларига ҳамда бошқа қонунларига амал қиладиган мустақил давлат органи мақоми берилди. Шунингдек, Комиссия фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган асосий принциплари ҳам конституциявий мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциявий ислоҳот доирасида сайлов тизимини янада демократлаштириш икки палатали парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлар арафасида алоҳида аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, Марказий сайлов комиссияси зиммасига умумхалқ сайловларини миллий қонунчилик талаблари ва халқаро принципларига тўла мувофиқ равишда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича катта масъулият юкланади. Бу, ўз навбатида, қуйидаги долзарб вазифаларни ҳал этишни назарда тутаяди.

Авваламбор, таъкидлаш жоизки, Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларга тайёргарлик ишларини анча олдиндан бошлаб юборди. Ўтган йилнинг апрель ойида сиёсий партиялар, ҳудудий сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа сайлов иштирокчилари билан биргаликда Тошкент шаҳрида Республика семинари, жойларда эса ҳудудий семинарлар ўтказилиб, уларда илгариги сайловлар тажрибаси ҳар томонлама ва батафсил таҳлил этилди, долзарб йўналишлар ва истиқболга мўлжалланган вазифалар белгиланди.

Ҳозирги вақтга қадар бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлаш юзасидан дастурий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, сайлов ташкилотчиларининг маълумотлар базасини яратиш, мамлакатимиз бўйича ва маъмурий-ҳудудий бирликлар кесимида сайловчилар сонини аниқлаштириш, сайлов комиссиялари аъзоларини, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўқитиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Шу маънода Марказий сайлов комиссиясида сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда, сайлов жараёнини ёритишда иштирок этиш бой тажрибасига эга бўлган сайлов комиссиялари аъзолари, ОАВ вакиллари, экспертлар ва мутахассислар маълумотлари базаси мавжуд.

Иккинчидан, жорий йилнинг 12 майида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури қабул қилинди. Бу, албатта, сайлов тизимининг демократик принципларини амалга ошириш, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийликка риоя қилиш, сайлов жараёнига ғайриқонуний аралаштиришга, турли «маъмурий ресурслар»дан фойдаланишга йўл қўймаслик қафолатларини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, сайлов тўғрисидаги қонунлар талабларига мувофиқ бутун тайёргарлик ишларининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга, сайлов жараёнига ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилишга, сайловчиларнинг сайловда иштирок этишлари ва уларнинг эркин ўз хоҳиш-иродасини билдиришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади.

Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг талабларига биноан Марказий сайлов комиссияси зиммасига сайлов кампаниясининг барча тадбирларини ўз вақтида ўтказиш вазифаси юкланган. Сайловчиларнинг сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари билан танишиши, муддатидан илгари овоз беришни, сайлов куни овоз беришни ва қонунда назарда тутилган сайлов кампаниясининг бошқа тадбирларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган.

Бунда сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш ва сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу мақсадда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлашти-

риш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида Юртбошимиз томонидан белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда сайлов мавзусига бағишланган катор рисоалар тайёрлаш ва чоп этиш, сайлов тизими меъёрларини ривожлантириш, сайлов тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш борасида Конституцияга киритилган ўзгартишларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Учинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг янги аъзолари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг тавсияси бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланиши ўз вақтида амалга оширилган Комиссиянинг сифат жиҳатидан таркибини мустаҳкамлаш чораси ҳисобланади.

Тўртинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг, жойларда эса ҳудудий сайлов комиссияларининг давлат ва жамоат органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш, барча ташкилотчилар ва сайлов субъектларининг сайлов қонунчилиги талабларига сўзсиз риоя қилиш ва қонун устуворлиги принципини, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича масъулиятини кучайтириш назарда тутилган.

Бешинчидан, кўппартиявийликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишида аниқ устуворликларни белгилашда, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича стратегик вазифаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг иштирок этиши шароитларида Марказий сайлов комиссияси сайловнинг асосий иштирокчилари бўлмиш сиёсий партияларнинг эркин рақобат кураши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият ва эътибор қаратади.

Бунда уларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, номзодларнинг ишончли вакилларини ўқитиш бўйича таълим дастурларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш режалаштирилган.

Олтинчидан, Марказий сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бутун жараёнини кенг ошкоралик ва очиклик руҳида таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Бу ишда Комиссия давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига, Интернет журналистикаси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жамоатчиликни кенг, ўз вақтида ва тезкор хабардор қилиш турли усуллари имкониятларидан фойдаланишга таянади.

Шу билан бирга, барча сайлов комиссиялари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги, уларнинг мажлислари сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, кузатувчилар иштирокида ўтказилиши орқали таъминланади. Шу тариқа сайлов комиссиялари фаолияти устидан жамоат назорати ҳам

таъминланади. Бундан ташқари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларининг 2014 йилги сайловларни кузатишда кенг иштирок этиши назарда тутилган.

Егтинчидан, Марказий сайлов комиссияси бутун ташкилий ва тайёргарлик ишларини миллий ва хорижий шериклари билан яқин ҳамкорлик қилиш имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга ошириш ниятидир. Маълумки, Марказий сайлов комиссияси Умумжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Унинг МДХ, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия, шунингдек, БМТ Тараққиёт Дастури, ЕХХТ, ЕХХТ/ДИИХБ, ШХТ, МДХ Ижроия қўмитаси каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Жаҳон афкор оммаси сайлов қонунчилиги соҳасидаги демократик ўзгаришлар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш миллий тажрибаси, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланиши ҳақида кенг хабардор қилиниши таъминланади. Бугунги тадбиримиз ҳам шу маънода истисно эмас.

Кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати, ўз меҳнати натижаларига нисбатан дахлдорлиги, сиёсий, ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулияти 2014 йилги сайловларнинг ўзига хос хусусиятини белгиловчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, сайлов тизимини янада демократлаштириш Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига умумхалқ сайловларининг асосий ташкилотчиси сифатидаги масъулиятини оширади, ундан бутун сайлов жараёнининг қонунийлиги, ҳаққонийлиги, очиклиги, шаффофлиги, адолатлилигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўришни талаб этади.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

23 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайлов ўтказиш бўйича халқаро стандартлар» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Миллий демократия институти (АҚШ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.

Долзарб мавзунинг муҳокамасида Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, ҳуқуқшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича миллий ва хорижий экспертлар, қатор давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати доирасида демократик янгиланишларнинг муҳим шарти бўлган сайлов тизими жараёнларини модернизациялаш, Ўзбекистонда сайлов ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жорий йилнинг декабрь ойида давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлажак сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда Марказий сайлов комиссияси, барча манфаатдор ташкилотлар олдида турган вазифалар хусусида атрофлича сўз борди.

Хусусан, иккита ялпи мажлис давомида сайлов қонунчилигининг долзарб масалалари, Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсадига айланди. Мамлакатимизда демократик янгиланиш шароитида барқарор ва изчил ривожланиб бораётган сиёсий тизим, профессионал фаолият олиб бораётган икки палатали парламент яратилган бўлиб, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда эркин ва фаол иштирок этиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник асослар яратилган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга бўлган тўртта сиёсий партия фаолият кўрсатиб келмоқда. Парламент қуйи палатасида Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бу давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш конституциявий

принципларни мақсадли татбиқ этишда, уларнинг давлат томонидан қарорлар қабул қилишда ваколатларини кенгайтиришда, шунингдек, сиёсий партияларнинг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг муҳим вазифаларни ҳал этиш борасидаги иштирокини кенгайтиришда ўз аксини топмоқда.

Анжуман қатнашчилари эътироф этганларидек, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида сайлов институти муҳим ўрин тутди. Зеро, улар бево-сита ёки ўз вакиллари орқали мамлакатимиз ҳаётида иштирок этишади. Конституцияда мустақамлаб қўйилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Асосий Қонунимиз билан фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган. Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Таъкидланганидек, сайлов қонунчилиги ва амалиётининг ривожланишига мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида қараш лозим. Мустақиллик йиллари мобайнида сайлов қонунчилигининг янги демократик тизими шаклланди. Унинг негизи фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини мустақамлаб қўйган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг қоидалари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ривожлантирилди. Қонунларда сайлов жараёнининг халқаро стандартларга тўла мувофиқ бўлган асосий демократик принциплари белгиланган.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан таъкидланганидек, сайловларни очиқлик ва ошкоралик асосида қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил қилиш ва ўтказишни таъминлаб келаётган мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимининг ўзига хос жиҳати эканлиги айтиб ўтилди.

Мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг муҳим омили бўлган сайлов тизими изчил ривожланиб бормоқда. Амалиётнинг ўзи, Ўзбекистонда тўпланган тажриба сайлов жараёнларини янада демократлаштириш заруратини тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Концепция асосида сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Аввало, «сайловолди ташвиқоти» тушунчасига аниқ таъриф берилди, бундай ташвиқот турлари, уни олиб боришга рухсат этилган шакл ҳамда

усуллар, сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва принциплари аниқ кўрсатиб ўтилди. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш тартибига дахлдор қоидалар ўз ифодасини топди. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган меъёр киритилди. Қамокда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил қилиш имконияти кўзда тутилган. Шундай қилиб, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов тизимини янада либераллаштиришга, унинг очиқлигини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни такомиллаштиришга имкон беради.

Жорий йилнинг апрель ойида Президентимиз ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун қабул қилинди. Қонун фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссияси мақомини конституциявий мустаҳкамлаб қўйиши сайловнинг демократик тамойилларга мослигини, очиқлигини ва ошқоралигини, унинг қонунийлигини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлади. Шу маънода айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловлар сайлов жараёнининг барча иштирокчилари томонидан қонунчилик талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ риоя этган ҳолда миллий сайлов тизимининг демократиклигини яна бир қарра намоён этишга даъват этилган.

Экспертларнинг умумий фикрича, Ўзбекистонда бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларнинг ўтказилишини қонунчилик талабларига ҳамда халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ равишда юксак демократик даражада таъминлаш учун барча ҳуқуқий шароитлар яратилган. Фуқароларнинг сайлов жараёни борасидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги Ўзбекистон халқининг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти куриш бўйича танлаган йўлига содиқлигининг ёрқин далилидир.

Тадбир якунида сайлов жараёнини янада такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

СЎЗ АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Дьердь САБО, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори

– Сайлов – бу демократия асоси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасининг эркин билдирилиши. Ўзбекистонда бўлажак парламент сайловига масъулият билан ҳар томонлама тайёргарлик кўрилмоқда. Марказий сайлов комиссияси фаол ишламоқда. Мамлакатни демократик янгилаш борасида изчил ривожланаётган сиёсий тизим, профессионаллик асосда икки палатали парламент, сайловда фуқаролар ва сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бўлажак сайловлар демократик ислоҳотлар ва халқаро сайлов стандартларига риоя қилган ҳолда бўлиб ўтади.

Ли ЮЙ, Шанхай жамоат фанлари академияси ҳузуридаги Социология институти директорининг ўринбосари (Хитой Халқ Республикаси):

– Мамлакатингизда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар ўз самарадорлигини исботлаб берган миллий модель принциплари асосида амалга ошириб келинмоқда. Менинг назаримда, сизлар нафақат сайлов ўтказиш учун мустаҳкам қонунчилик асосини яратмоқдасиз, балки мамлакатингизда тўпланган тажриба асосида жаҳоннинг демократик давлатлар илғор амалиёти билан уйғунликда сайлов тизимини такомиллаштириб бормоқдасиз. Бу жуда муҳим. Ўйлайманки, бу жуда доно стратегия, чунки у ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутди. Бу эса барқарор демократия бўлган кучли ҳуқуқий давлат барпо этиш имконини беради.

Ми Сун Ок, Сайлов органлари бутунжаҳон ассоциацияси котибияти бўлими бош директори:

– Давра суҳбатининг мавзуси Корея Республикаси учун ҳам долзарб ҳисобланади. Сайлов тизимимизнинг, ҳуқуқни қўллаш амалиётимизнинг ўзаро ўхшаш тарафлари жуда кўп. Айнан шу жиҳатдан ҳам ушбу тадбир мен учун қизиқарли ва фойдали бўлди.

Ўзбекистонда сайлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шубҳасиз, биз учун ижобий тажриба ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти ташаббуси бўйича Конституцияга киритилган тузатишлар, чунончи, мамлакат сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар бутун сайлов жараёнининг демократлашганлигини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги муваффақиятига жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар имкон берди, деб ҳисоблайман. Ўз навбатида, янги қонунчилик асосида бўлиб ўтадиган сайловлар одамлар ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилади.

Хуан Гутierrez Алонсо, Гранада университети профессори (Испания):

– Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича тўғри йўлдан бормоқда, деб ўйлайман. Бу жуда ҳам узок давом этадиган мураккаб жараён. Мисол учун, Испанияда ушбу соҳадаги қонунчилик 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида такомиллашиб бормоқда.

Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов тизимини ушбу соҳадаги халқаро стандартлар ва халқаро ҳужжатларга тўла мувофиқ ривожлантиришга хизмат қилади. Умуман олганда, сайлов тизими ҳокимият вакиллик органлари, парламент демократик йўл билан шаклланишига даъват этилган. Мамлакатингиз Конституциясига киритилган ўзгартишлар уларнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини оширишга қаратилгандир. Шундай қилиб, амалда фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш имконини берадиган мустақкам қонунчилик негизи яратилган.

Александр ШЛИК, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси эксперти:

– Ўзбекистон Конституциясига киритилган тузатишларга биноан, Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилди. Назаримда, бу жуда ҳам муҳим қадам. Айни пайтда ваколатлар кенгайиши билан бирга, бундай юксак мақом комиссия зиммасига катта масъулият юклайди ва ундан Асосий Қонун даражасида фаолият юритишни тақозо этади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатликдан иборат асосий принциплари конституциявий белгилаб қўйилиши ҳам жуда муҳимдир. Аслида улар демократиянинг принциплари ҳисобланади.

Гулноза Исмаилова, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, юридик фанлар номзоди:

– Давра суҳбати мобайнида сермахсул мунозаралар бўлиб ўтди, тадбир сайлов ҳуқуқи соҳасида миллий ва хорижий экспертларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиш майдонига айланди.

Мамлакатимизнинг эркин демократик сайлов ўтказиш ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш бўйича тажрибаси ҳам ҳар томонлама таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, сайлов қонунчилигини, амалиётини такомиллаштириш халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Асосий Қонунимизга киритилган тузатишлар сайлов тизимини янада демократлаштиришга қаратилган. Фикримча, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонун устуворлиги, адолат, шаффофлик ва ошкоралик каби тамойилларга риоя қилиш муҳимдир.

Тадбир давомидаги маърузалар ва мунозараларни таҳлил қилиб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, шубҳасиз, стратегик жиҳатдан тўғри танланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш бўйича «ўзбек модели»нинг амалий натижасидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2014 й., 4-сон, 45-модда)
(Кўчирмалар)

Қонунчилик палатаси томонидан 2013 йил 4 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 13 декабрда маъқулланган.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги 1050-ХП-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 9–10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2012 йил, № 12, 331-модда) 22-моддасининг еттинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса, шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган шахслар кўрсатилади. Депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрисида баённома тузилади».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 337-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 14-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:

«14-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари

Партия гуруҳи – сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган депутат фақат шу партиянинг партия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Партия гуруҳлари партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис хужжатларига асосан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоятлар марказлари) Кенгашларидаги партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган камида беш нафар депутат бирлашган тақдирда тузилади.

Партия гуруҳи ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Партия гуруҳининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

партия гуруҳининг ўз ташаббуси билан;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддати тугаганда;

партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда;

тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилганда»;

2) қуйидаги мазмундаги 14¹-модда билан тўлдирилсин:

«14¹-модда. Партия гуруҳларининг ҳуқуқлари

Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини тузишда иштирок этиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи кўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;

давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини кафолатлаш;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари

ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш;

тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади;

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқига эга.

Партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари Кенгашига киритиладиган масалалар бўйича таклифи албатта кўриб чиқилади.

Партия гуруҳлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига партия гуруҳлари фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш Жўқорғи Кенгесининг девони томонидан, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа хизматлар кўрсатиш эса, ҳокимликларнинг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан таъминланади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

*Тошкент ш.,
2014 йил 20 январь,
ЎРҚ-365-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 27 мартда
қабул қилинган
Сенат томонидан 2014 йил 10 апрелда маъқулланган*

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати – Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади):

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

6) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга»;

2) **4-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истикболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади»;

тўртинчи-ўн биринчи қисмлари тегишинча **бешинчи-ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунигача қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофиқ ўз фаолиятини давом эттириб туради»;

3) **8-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва унга киритиладиган ўзгартишларни ишлаб чиқади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади»;

4) **15-модданинг:**

биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Бош вазир:

1) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади;

2) Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

3) халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда ҳуқуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Бош вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

5) давлат ва хўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентига вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисида тақдимнома киритади;

7) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **20-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **24-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларини тинглаш» деган сўзлар «ҳокимларнинг вилоят, туман ва шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботларини, ҳокимлар ўринбосарларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25 модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман ва шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади»;

бешинчи-ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи-ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда) **8-моддаси биринчи қисмининг 21-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21) парламент назоратини ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **8-моддаси биринчи қисмининг 21-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21) парламент назоратини ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда) **22-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бош вазир лавозимида номзод Қонунчилик палатасида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади»;

тўртинчи-ўн биринчи қисмлар тегишинча **бешинчи-ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги 523–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 37-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4,

163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **18-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бош вазир лавозимига номзод Сенатда унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади»;

иккинчи-саккизинчи қисмлар тегишинча **учинчи-тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда) **4-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади»;

учинчи-тўққизинчи қисмлар тегишинча **тўртинчи-ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 16 апрель,
№ ЎРҚ-366.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 176-модда; 1999 йил, № 1, 27-модда, № 9, 239-модда; 2001 йил, № 9–10, 194-модда; 2004 йил, № 5, 101-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 3–4, 116-модда, № 5, 180-модда; 2007 йил, № 6, 255, 291-моддалар, № 8, 374, 383-моддалар; 2010 йил, № 3, 103-модда, № 8, 314-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайлансин:

Абдувахитов Абдужабар Абдусатгарович – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори;

Абдуназаров Олимжон Тоштемирович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сурхондарё вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи;

Артикова Светлана Баймирзаевна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси;

Курбанкулов Суяржон Машарипович – Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси;

Мирзаев Абдуманоб Кучкарович – Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси;

Норов Жалил Халилович – Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими раиси;

Сирожиддинов Шухрат Самариддинович – Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори;

Фаттоев Ёқуб Талабович – Бухоро вилояти Пешку тумани «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари **М.Х. Ахмедов, А. Дусбаев, Ю.У. Караев, С.С. Касимов, Г.Р. Рустамова,**

К. Тогаев, М.С.Ходжаев, Ў.Ш.Холов, А.Ширинов, С.Х.Шукуров, К.Т.Юсупов ва М.К.Якубованинг ваколатлари берган аризаларига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

4. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери**

Д. ТОШМУҲАМЕДОВА

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 3 апрель
№ 890-П.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 176-модда; 1999 йил, № 1, 27-модда, № 9, 239-модда; 2001 йил, № 9–10, 194-модда; 2004 йил, № 5, 101-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 3–4, 116-модда, № 5, 180-модда; 2007 йил, № 6, 255, 291-моддалар, № 8, 374, 383-моддалар; 2010 йил, № 3, 103-модда, № 8, 314-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайлансин:

Ражабов Эсанбай – Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси;

Ходжакулов Эркин Гайбуллаевич – Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Спикери**

Д. ТОШМУҲАМЕДОВА

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 7 апрель
№ 890-II.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА
ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 676–I-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 176-модда; 1999 йил, № 1, 27-модда, № 9, 239-модда; 2001 йил, № 9–10, 194-модда; 2004 йил, № 5, 101-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 3–4, 116-модда, № 5, 180-модда; 2007 йил, № 6, 255, 291-моддалар, № 8, 374, 383-моддалар; 2010 йил, № 3, 103-модда, № 8, 314-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 890–II-сонли ва 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 892–II-сонли қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайлансин:

Абдувахитов Абдужабар Абдусаттарович – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори;

Абдуназаров Олимжон Тоштемирович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сурхондарё вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи;

Артикова Светлана Баймирзаевна – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси;

Курбанкулов Суяржон Машарипович – Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси;

Мирзаев Абдуманоб Кучкарович – Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси;

Норов Жалил Халилович – Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими раиси;

Ражабов Эсанбай – Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси;

Сирожиддинов Шухрат Самариддинович – Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори;

Фаттоев Ёқуб Талабович – Бухоро вилояти Пешку тумани «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари;

Ходжакулов Эркин Гайбуллаевич – Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари **М.Х. Ахмедов, А. Дусбаев, Ю.У. Караев, С.С. Касимов, Г.Р. Рустамова, К. Тогаев, М.С. Ходжаев, Ў.Ш. Холов, А. Ширинов, С.Х. Шукуров, К.Т. Юсупов** ва **М.К. Якубованинг** ваколатлари ўзлари берган аризаларга биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И. СОБИРОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 10 апрель*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИНИНГ 2013 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРГАН
ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТИ ВА 2014 ЙИЛНИНГ
БИРИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ИШ РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатовнинг Комиссиянинг 2013 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (ҳисобот илова қилинади¹).

2. Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 14 январь.*

¹ Илова чоп этилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИ АЪЗОСИ Н.А. ЧАРИЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нармунин Аманович Чариевнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 14 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 61-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сайловини ўтказиш бўйича Сурхондарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2014 йил 26 февраль куни соат 10.00да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг катта мажлислар залида ўтказилиши белгилансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 18 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**Э.Т. ЖЎРАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги Қонуни 58, 61-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сурхондарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Сенат аъзоси сайлови бўйича 2014 йил 26 февраль куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Эшдавлат Турсунович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 4 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ С. ШЕРАЛИЕВНИНГ
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сайфиддин Шералиевнинг халқ депутатлари Дўстлик тумани Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Жиззах вилояти ҳокимлигига маълумот учун юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 4 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**«ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА
ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ
ҚОНУНЧИЛИГИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ДАВРА
СУХБАТИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК
КЎРИШ ТЎҒРИСИДА**

Халқаро стандартларга мувофиқ тарзда Ўзбекистон сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида миллий сайлов қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусидаги халқаро давра суҳбатини ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича манфаатдор ташкилотларнинг таклифларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, БМТ Тараққиёт дастури, МДИ (АҚШ) ва Ф.Эберт номли Фонд (Германия) билан ҳамкорликда 2014 йил 15–16 май кунлари Тошкент шаҳрида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбатини ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ушбу халқаро тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилсин ва 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳига (О. Соатов):

– икки ҳафта муддатда халқаро давра суҳбатини ўтказишдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳамда унинг мазмун-моҳиятини очиқ берадиган концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– Ташқи ишлар вазирлиги, сиёсий партиялар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда халқаро давра суҳбати ишида қатнашадиган маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассис-

ларининг рўйхатини тузиш ва уларни таклиф этиш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш;

– халқаро давра суҳбати дастури, маърузачилар рўйхатини белгилаш, келиб тушадиган маъруза матнларини кўриб чиқиш, тарқатма ва кўргазмали электрон материаллар тайёрлаш;

– халқаро давра суҳбатини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

– Тошкент шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда халқаро давра суҳбатини ўтказиш жойини белгилаш, уни зарур техник воситалар билан жиҳозлаш ва уларни ишлашини таъминлаш;

– халқаро давра суҳбатининг якуний ҳужжати, пресс-релиз лойиҳаларини ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрлаб нашр этиш ва бошқа ташкилий-техник ишларни амалга ошириш юклатилсин.

4. Мазкур халқаро давра суҳбатини ташкил этиш ва ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлар Дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ишчи гуруҳига жорий йилнинг 25 апрелига қадар тадбирни ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича бажарилган ишлар юзасидан комиссия мажлисига ахборот тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 4 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИ АЪЗОСИ С.Б. АРТИКОВАНИНГ ВАКОЛАТИНИ
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПФ-4614-сон Фармонига асосан Светлана Баймирзаевна Артикованинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 17 апрель.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ
САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Светлана Баймирзаевна Артикова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 17 апрель.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ
КОМИССИЯСИДА ДОИМИЙ АСОСДА ИШЛАЙДИГАН
КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Жанабай Садиков Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишлайдиган аъзоси вазифасидан озод этилсин.
2. Марказий сайлов комиссияси аъзоси Олимжон Тоштемирович Абдуназаров Комиссияда доимий асосда ишлаш учун жалб этилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 17 апрель.*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ Депутатлари Вилоят, Туман ва Шаҳар Кенгашлари Сайловига Тайёргарлик Кўриш ва уни ўтказиш бўйича Тадбирлар Дастури Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ 2014 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Сайловлар – демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродаси эркин ифодаланиши, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксизлик тамойили асосида амалга оширилган изчил, босқичма-босқич ислохотлар борасида энг юқори демократик талабларга ва умум эътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришининг, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Бунда сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошқоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашишга ҳар қандай уринишлар тақиқланади. Сайлов комиссиялари мустақил ва фақат қонунга бўйсунди.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Марказий сайлов комиссияси, жойлардаги сайлов комиссияларининг ушбу мақоми сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш имконини беради. Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Қонунчиликда ижроия ҳокимияти иштирокисиз ва таъсирисиз мамлакатимиз парламенти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсиялари асосида шаклландирган Марказий сайлов комиссияси аъзоларини сайлаш ноёб демократик тартиби белгиланган. Марказий сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг

тақдимномаси бўйича сайланади. Буларнинг барчаси Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Бўлажак сайловлар жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш, иқтисодиётнинг мустаҳкам ва барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши шароитларида ўтказилади.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йил ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси кўп жихатдан кўмаклашди.

Биринчидан. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ва сиёсий тузилиш тизимида қонунчилик ҳокимияти ролини кучайтириш, унинг назорат функцияларини кенгайтириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Концепция қоидаларини ривожлантирган ҳолда 2014 йил апрель ойида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун қабул қилинди.

Шунингдек, Асосий Қонунга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва мувозанатни сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга, халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини татбиқ этишнинг муҳим кафолати ҳисобланган ижро этувчи ҳокимият устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш яхлит тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, сайловда парламент қуйи палатасида энг кўп депутатлик ўринларини кўлга киритган сиёсий партия томонидан Бош вазир номзодини кўрсатишнинг янги тартиби жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзод кўриб чиқиладиган ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилиши сиёсий партияларга ўзининг устави ва дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳукуматнинг йўналиши бўйича ўз нуқтаи назарини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Қонунлар ва норматив ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ва сиёсий партия фракцияларининг роли ҳам кучайтирилди. Бугун бирон-бир қонун фракциялар (депутатлар гуруҳлари)нинг фикрлари ва таклифларини ҳисобга олмасдан қабул қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 103-моддаси сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг жойларда ислохотлар муваффақиятли амалга оширилиши, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун роли ва масъулиятини янада кучайтирадиган нормалар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига киритилган ушбу барча ўзгартишлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлмиш партиялар аро рақобатни кучайтиришнинг муҳим омилига айланди.

Иккинчидан. Бугун фуқаролик жамияти институтлари: нодавлат нотижорат ташкилотлари, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик қадриятлар, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамият ва давлат ишларида иштирок этиш, конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони 7,8 мингдан ошди. Улар соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги муҳим муаммоларни ҳал этиш бўйича дастурларни амалга оширишда кенг иштирок этиш билан бирга фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини, хохиш-иродаси эркин билдирилишини, сайлов органлари фаолиятининг шаффофлигини ишончли таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Концепция доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шарофати билан фуқароларнинг ўз фикри ва ғояларини, юз бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ва муносабатини эркин билдиришини таъминловчи оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу эса аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга, мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

Учинчидан. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни энг демократик талаблар ва умум эътироф этилган халқаро стандартларга қатъий мувофиқ равишда ўтказишнинг муҳим омили бўлади.

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципи янада тўлиқроқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизими янада демократлашувига, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиклиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов мобайнида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Шунингдек, «сайловолди ташвиқоти» тушунчаси, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланди. Сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги, муддатидан олдин овоз беришнинг муддатлари, тартиби ва тартиб-таомиллари белгилаб қўйилди. Кузатувчиларга Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди, қамокда сақлаш жойларида сайлов участкаларини тузиш имконияти назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ҳамда ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ва референдум тўғрисидаги қонунларига ҳамда бошқа қонунларига амал қилиши белгиланди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашувисиз таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўринга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилиши сайловларнинг демократчилигини, очиклиги ва ошқоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим қафолатларидан бири ҳисобланади.

Буларнинг барчаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва сайловнинг бошқа субъектларидан ўз ишларини сифат жиҳатидан қайта кўриб чиқиш, уларнинг фаолияти ва ўзаро ҳамкорлигида замонавий талабларга жавоб берадиган янги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади.

Умуман олганда, мамлакатимиз Конституциясига ва қонунчилигига киритилган тузатишлар миллий сайлов тизимининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг равишда янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати, ўз меҳнат натижаларига дахлдорлик ҳисси, сиёсий, ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулияти 2014 йилдаги сайловлар хусусиятини белгиловчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Инсоннинг ўзи ўзгариб борапти, унинг фуқаролик ва сиёсий онги юксал-
япти, ҳуқуқий маданият даражаси ошяпти. Етакчи ўринларни эгаллаган янги
кадрлар авлоди – мустақил фикрлайдиган, замонавий билимлар ва дунёқарашга
эга бўлган, ўтмишнинг бидъатлари ва қолипларидан холи, мамлакатининг
келажаги учун ўз зиммасига масъулият олишга қодир бўлган ёшлар дадил
қадамлар босиб ҳаётга кириб келмоқда.

Ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотлар боришини, қонун ижод-
корлиги ишлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти даражасини, сиёсий партия-
лар, депутатларнинг дастурий мақсадлари ва амалий фаолиятини баҳолашда
фуқароларимизнинг талабчанлиги ва қатъиятлилиги даражаси янада ошди.

2014 йил декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
сайловига қонунчилик талабларига, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ
равишда, юқори демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шу-
нингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш
ва сайланиш конуституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, сиёсий партиялар-
нинг давлат ҳокимияти органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок
этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-мод-
дасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9, 10-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон
Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2014 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси,
халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича
барча ишлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, жой-
лардаги сайлов комиссиялари томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка
ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган дастурга қатъий мувофиқ равишда
амалга оширилади.

2. Қуйидагилар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича энг
муҳим талаблар ва мақсадли вазифалар деб ҳисоблансин:

– сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг
тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастур-
лари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайлов-
чиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-
сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабар-
дорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш
учун шарт-шароитларни таъминлаш;

– сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурла-
рининг қоидаларини, улардаги мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-

иктисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиш;

– сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

– сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданий шаклларида фойдаланишларига кўмаклашиш;

– сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш. Энг аввало, сиёсий партиялар, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этадиган барча ташкилий тузилмалар ўртасида қонунчилик меъёрларига қатъий риоя қилиш зарурати хусусида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– қонунчиликнинг сайлов кампаниясини ўтказишнинг фақат Марказий сайлов комиссияси асосий ташкилотчиси ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчиликни изчил ва сўзсиз амалга ошириш. Ҳеч ким, авваламбор, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари сайлов жараёнига аралашishi мумкин эмас. Сайлов кампанияси жараёнига аралашishi, қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади ва айбдорлар жазоланади;

– сайлов кампанияси иштирокчиларининг бирортасига бирор-бир имтиёз ва устунлик берилиши истисно қилинади. Сайлов қонунчилигининг меъёрлари, талаблари, қонунда ва ушбу дастурда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хил.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти:

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни тартибга соладиган қонунлар ва қонун ҳужжатларининг зарур миқдорда нашр қилинишини, уларнинг вилоят сайлов комиссияларига, барча даражадаги халқ депутатлари Кенгашларига етказилишини таъминласин;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан биргаликда Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини белгилайдиган норматив ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаб муҳокамага киритсин;

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда сайловчиларнинг шаҳарлар ва туман-

лар кесимида сони тўғрисидаги статистик маълумотларни чуқур ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов бўйича сайлов округлари ва участкаларини тузиш, округ сайлов комиссияларини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрласин ва кўриб чиқиш учун киритсин;

– жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганиш ва сайлов участкаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни техник воситалар билан жиҳозлаш, сайловни қонунга тўла мувофиқ тарзда ўтказиш учун бошқа зарур шарт-шароитлар (яширин овоз бериш кабиналари, сайлов кутиларининг мавжудлиги ва бошқалар) яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

– Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, бошқа жалб этилган тузилмалар билан биргаликда халқаро давра суҳбатлари, семинар ва конференцияларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминласин;

– Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг бориши тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида тарқатиш ҳақидаги келишув битимлари, шунингдек, сайлов кампаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошқоралик, очиқликни таъминлаш, сиёсий партиялар томонидан участка сайлов комиссияларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар лойиҳаларини тайёрласин ва кўриб чиқиш учун киритсин;

– Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат юридик университети, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, сиёсий партиялар билан биргаликда сайловчиларга, айниқса, биринчи маротаба овоз беришда иштирок этаётган сайловчиларга, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг вакилларига сайлов қонунчилиги асосий қоидаларининг мазмуни ва моҳиятини, сайлов кампаниясининг барча босқичларида ушбу қоидаларга қатъий риоя этилиши зарурлигини тушунтириш ишларини ташкил этсин.

4. Ушбу Қарорнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Артикова ва Комиссия котиби О.Соатов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси Раиси

М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 12 май

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар ДАСТУРИ

I. Тайёргарлик босқичи		
(2014 йил май ойидан сентябргача сайлов кампаниясига тайёргарлик кўришни ташкил этиш)		
1.1. Сайловчиларга, сайлов жараёни иштирокчиларига сайлов қонунчилигининг асосий қоидаларини тушунтириш, аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш		
Т/р	Тадбирнинг номланиши	Ижро этиш мuddаги
1.	<p>Етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчи ходимларнинг республика ва маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда чиқишларини, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари (сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органилари, Ўзбекистон экологик ҳаракати) иштирокида куйидаги масалаларни тушунтиришга қаратилган давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказилишини ташкил этиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> – мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосий қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича таълимий ишлари ва вазибалари, мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш (айниқса, биринчи марта сайловда қатнашадиган ёшлар ўртасида); – демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш шакллари ва усуллари, сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг шарт- 	<p>май – сентябрь</p>
		<p>Масъул ижрочилар</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда МСК деб юритилади), худудий сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати (бундан буён матнда Экоҳаракат деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (бундан буён матнда Адлия вазирлиги деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (бундан буён матнда ТИВ деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (бундан буён матнда ОЎМТВ деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги (бундан буён матнда ХТВ деб юритилади), Республика маънавият тарғибот маркази (бундан буён матнда МТМ деб юритилади), «Махалла» хайрия фонди (бундан буён матнда «Махалла» фонди деб юритилади), «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (бундан буён матнда «Қамолот» ЁИХ деб юритилади), Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси (бундан буён Хотин-қизлар кўмитаси деб юритилади), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (бундан буён матнда МТРК деб юритилади), «Жаҳон» ахборот агентлиги (бундан буён матнда «Жаҳон» АА деб юритилади), Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (бундан буён матнда</p>

<p>шароитлар яратиш, улар томонидан сайлов кампанияси борасида сиёсий этика меъёрларига, амалдаги сайлов қонунчилиги талабларига риоя қилинишини таъминлаш; – сайлов мобайнида амалдаги сайлов қонунчилиги талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилишини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамияти, сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари (платформалари), уларнинг устувор мақсадлари ва вазифалари ва шу каби бошқа масалалар тўғрисида фуқароларни кенг хабардор қилиш.</p>		<p>ЭОАВМА деб юритилади), Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди (бундан бўён магнда босма ОАВ фонди деб юритилади), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (бундан бўён магнда ЎЗА деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институтини (бундан бўён магнда АҚХМИ деб юритилади), Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини (бундан бўён магнда ФЖШМҚИ деб юритилади), мамлакатимиз тадқиқот марказларининг хорижий шериклари</p>
<p>2. Оммавий ахборот воситалари (бундан бўён магнда ОАВ деб юритилади) вакиллари билан сайлов жараёнида ОАВ иштирок этиши хусусиятларига тааллуқли масалалар бўйича семинар-тренинглар ўтказиш (алоҳида жадвалга мувофиқ).</p>	<p>июль – сентябрь, республика хуудудлари</p>	<p>МСҚ, ФЖШМҚИ, МТРҚ, ЭОАВМА, босма ОАВ фонди, Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги (бундан бўён магнда ЎЗМАА деб юритилади), Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, сиёсий партиялар, Экоҳарақат</p>
<p>3. Аҳоли ўртасида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришининг долзарб вазифалари бўйича семинарлар ўтказиш (алоҳида жадвалга мувофиқ).</p>	<p>июлдан бошлаб, сайлов кампанияси даврида</p>	<p>МСҚ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан бўён магнда ҚП деб юритилади), худудий сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, Экоҳарақат, Адлия вазирлиги, ТИВ, ОЎМТВ, ХТВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат бошқаруви академияси (бундан бўён магнда ДБА деб юритилади), «Камолот» ЁИХ, Хотин-қизлар кўмитаси, МТРҚ, «Жаҳон» АА, ЭОАВМА, магнда босма ОАВ фонди, ЎЗА, АҚХМИ, ФЖШМҚИ, мамлакатимиз тадқиқот марказларининг хорижий шериклари</p>
<p>4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан таниқли хорижий ва миллий экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида қатор халқаро тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш.</p>		<p>МСҚ, ҚП, ТИВ, ФЖШМҚИ, АҚХМИ, ДБА, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтини (бундан бўён магнда СМТИ деб юритилади), Ўзбекистондаги ЕХХТ, ЛК, ЁИ комиссияси ваколатхонаси, Ф.Эберт ва К.Аденауэр номли фондлар (Германия), БМТТД, МДИ (АҚШ), сиёсий партиялар</p>

давоми

	<p>– «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайлов ўтказиш бўйича халқаро стандартлар» мавзусида «халқаро давра суҳбати»ни;</p> <p>– «Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қонун устуворлигини ҳамда очиқлик, ошқораликни таъминлаш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида халқаро конференцияни;</p> <p>– «Сиёсий партиялар ва сайлов: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида «халқаро давра суҳбати»ни;</p> <p>– Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари томонидан брифинглар (хорижий ОАВда Ўзбекистонда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини очиқ беришга бағишланган қатор мақолалар чоп этиш билан бирга).</p>	<p>май Тошкент ш., сентябрь Самар- канд ш.,</p> <p>III квартал Тошкент ш.,</p> <p>июнь – сентябрь Ўзбекис- тоннинг дипломатик ваколат- хоналари</p>	
1.2. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг норматив ва услубий жиҳатдан таъминланиши			
5.	<p>Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнини тартибга соладиган норматив ҳужжатларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш:</p> <p>– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Регламентини (янги таҳрирда тайёрлаш);</p> <p>– «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш</p>	<p>июль</p>	<p>МСК, АҚХМИ, Адлия вазирлиги, ТИВ, ФЖШМКИ, сиёсий партиялар, Экоҳаракат, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади)</p>

<p>хамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги, «Қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузиш тўғрисида»ги йўриқномаларни;</p> <p>– «Сийёсий партиялардан кузатувчилар тўғрисида»ги, «Муддатидан олдин овоз бериш тартиби тўғрисида»ги, «Фукароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги низомларни;</p> <p>– хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, сийёсий партиялардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан ишларни ташкил этиш тартибини ва бошқ.</p>		
<p>6. Сайлов хужжатларининг (сайлов комиссиялари баённомалари, сайлов бюллетенлари ва varaқалари, сайловчилар рўйхатлари шакллари ва намуналари, муҳр, штампларнинг эскизлари, сайлов кутилари, кабиналар ва х.к.), плакатлар, баннерлар (сайлов санаси, мазмун-моҳияти тўғрисида ва х.к.) ва бошқа босма маҳсулотларнинг лойиҳаларини ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрлаш.</p>	<p>август</p>	<p>МСК, ФЖШМҚИ, сийёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари</p>
<p>7. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан:</p> <p>–ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг; «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайлов тўғрисида»ги, «Фукаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Респуб-</p>	<p>августдан бошлаб, зарураатга қараб</p>	<p>МСК, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати (бундан буён мағнда Сенат деб юритилади), Адлия вазирлиги, ЎзМАА, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши</p>

давоми

	<p>ликаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»- ги қонунларни; – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг низомларини, йўриқномаларини ва Х.К.; – хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар, чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари учун уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича буклетларни тайёрлаш ва нашр қилиш.</p>		
8.	<p>Бўлажак сайлов мазмун-моҳиятини, сайлов кампаниясининг бориши ва босқичларининг асосий вазифалари, овоз бериш тартиби, участка сайлов комиссияларининг ишлари ва шу кабиларга бағишланган видеоматериаллар, теле- ва радиороликлар тайёрлаш ва трансляция қилиш.</p>	<p>августдан бошлаб, сайлов кампанияси мобайнида</p>	<p>МСК, МТРК, ЭОАВМА, ФЖШМҚИ, АКҲМИ, сиёсий партиялар</p>
<p>1.3. Сайловнинг ташкилий таъминланиши</p>			
9.	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларидан ва бошқа тегишли идоралардан вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар кесимида сайловчиларнинг 2014 йил 1 январь ҳолатидаги сони тўғрисида маълумотлар олиш ва округлар бўйича сайловчилар сони ҳисобини умумлаштириш, сайлов округлари чегаралари ва округлар номланиши кўрсатилган ҳолда уларнинг дислокацияси картасини тайёрлаш.</p>	<p>май – август</p>	<p>МСК, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан бундан матнда ИИВ деб юритилади), Мехнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари</p>

10.	Сайловни ўтказиш учун зарур миқдорда сайлов кабинетлари ва кутилари, техник воситаларнинг мавжудлиги ўрганиб чиқишнинг ташкил этиш ва уларнинг натижаларини МСК мажлисида кўриб чиқиш.	июнь – июль	МСК, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари
11.	Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари билан сайлов округлари ва участкаларини тузиш, округ, участка сайлов комиссиялари таркибига номзодлар танлаш, шунингдек, улар ишини ташкил этиш механизmlарини ишлаб чиқиш масалалари бўйича семинарлар ўтказиш.	июнь – июль	МСК, ФЖШМҚИ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари
12.	Сайлов кампаниясини молиялаштириш бўйича харажатлар сметаси лойиҳасини тайёрлаш, сайлов бюллетенлари ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида зарур ҳужжатлар тайёрлаш учун қозғос сотиб олиш бўйича шартнома тузиш.	июль	МСК, Молия вазирлиги, ЎзМАА
13.	МСКнинг расмий веб-сайтини модернизация қилиш, унинг мобиль версиясини, сайловчиларнинг электрон кутубхонасини яратиш, МСКнинг округ сайлов комиссиялари билан боғловчи ягона компьютер тармоғининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.	июль – сентябрь	МСК, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (бундан буён матнда Алоқа қўмитаси деб юритилади)
14.	Сайлов кампаниясини ёритиш бўйича республика матбуот марказини, жойларда матбуот марказларини тузиш, уларни ташкил қилиш ва иш режаси бўйича таклифлар тайёрлаш.	август – сентябрь	МСК, ЎзА, МТРК, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари, ТИВ
15.	ҚП депутатлигига номзодларнинг таржимаи холи билан плакатлар, сайлов кампанияси борасида зарур ташвиқот ва бошқа босма махсулот намуналарини ишлаб чиқиш.	август – сентябрь	МСК, ЎзМАА, ФЖШМҚИ, сиёсий партиялар

давоми

16.	Сайлов комиссияларига бинолар, асбоб-ускуналар, шу жумладан, алоқа воситаларини ўз вақтида ажратиш, округ сайлов комиссияларига транспорт воситалари ажратиш, сайлов билан боғлиқ бошқа ташкилий масалаларни хал қилишда кўмаклашиш бўйича МСКнинг мажлисини ўтказиш.	август – сентябрь	МСК, давлат ҳокимияти органларининг вакиллари, Экоҳаракат
17.	МСКнинг МТРК, ЎЗА, «Жаҳон» АА билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловиغا тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларини ёритиб бориш, сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар учун ўз сайловолди дастурлари қоидалари, уларда акс этган мамлакат ривожланишининг муҳим ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича мустақил нуктаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун ОАВдан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиш ҳақидаги икки томонлама келишув битимлари баённомаларини тузиш.	сентябрь	МСК, МТРК, ЎЗА, «Жаҳон» АА
II. Сайлов кампаниясининг асосий босқичи (сайлов кампаниясининг бошланглигини эълон қилиш, сайлов округларини, участкаларини, сайлов комиссияларини тузиш ва х.к.)			
18.	ОАВ сайлов кампанияси бошланглигини эълон қилиш («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси) ¹ .	21 сентябрдан кечиктирмасдан	МСК, ЎЗА, МТРК, «Жаҳон» АА, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги (бундан буён матнда «Туркистон-пресс» АА деб юритилади) босма ОАВ фонди, ЭОАВМА
19.	Сайлов кампанияси бошланглиги муносабати билан хорижий журналистлар ва мамлакатимиз ОАВ вакиллари учун матбуот анжуманини ўтказиш.	сайлов кампанияси бошланглиги эълон қилинганидан кейин	МСК, ТИВ, ЎЗА, «Жаҳон» АА, «Туркистон-пресс» АА

¹ бундан буён кавс ичида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун моддалари кўрсатилади .

20.	ҚП депутатлари сайлови бўйича сайлов округларини тузиш, округ чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда рўйхатларни эълон қилиш (7-модда).	7 октябрдан кечиктирмасдан	МСК, «Халқ сўзи» – «Народное слово» газетаси, ҳудудий матбуот нашриётлари
21.	Сайлов участкаларини тузиш ва уларнинг жойлашган жойи ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш (8 ва 13-моддалар).	22 октябрдан кечиктирмасдан	Округ сайлов комиссиялари, ҳудудий матбуот нашриётлари
22.	Сиёсий партияларга уларни қўллаб-қувватловчи 40 мингдан кам бўлмаган миқдорда сайловчилар имзоларини тўплаш учун имзо варақалари бериш (20-модда).	сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан кейин	МСК, сиёсий партиялар
23.	ҚП депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибига жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан номзодлар кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларини ўтказиш (16-модда).	7 октябрдан кечиктирмасдан	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари
24.	Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркибини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, МСКнинг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссиялари таркиби ҳақидаги қарорини маҳаллий газеталарда эълон қилиш (11 ва 12-моддалар).	12 октябрь	МСК, ЎзА, ҳудудий матбуот нашрлари
25.	Қонунчиликнинг сиёсий партиялар сайловда қатнашишига ижозат бериш тартибини белгиловчи қоидалари сўзсиз бажарилишини таъминлаш. МСКнинг сиёсий партиялар сайловда қатнашишига ижозат бериш бўйича қарорини қабул қилиш (21 ва 23-моддалар).	16 октябрдан кечиктирмасдан	МСК, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар

давоми

26.	Чет эл ва мамлакатимиз журналистлари учун сайлов комиссияларини шакллантириш, сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш натижалари бўйича МСКнинг маъбуот анжуманини ўтказиш (21-молда).	18 октябрдан кечиктирмасдан	МСК, ТИВ, Алоқа қўмитаси
27.	Округ сайлов комиссиялари аъзолари билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ва бошқа масалалар бўйича республика, минтақавий семинар-тренинглар ўтказиш.	19 октябрдан кечиктирмасдан	МСК, округ сайлов комиссиялари
28.	Сайлов участкалари ва участка сайлов комиссияларининг тузилиши жараёнини назорат қилиш (8, 14 ва 16-молдалар).	7 октябр – 11 ноябрь	МСК, округ сайлов комиссиялари, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари
29.	Сиёсий партиялар олий органларининг ҚП депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича мажлисларни ўтказиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ишончли вакиллари ни рўйхатга олиш, уларга нисбатан қўйиладиган талабларни, депутатликка номзодлар кўрсатишда сиёсий партиялар томонидан хопин-қизлар учун 30 фоизли квота талабига риоя қилишни белгилайдиган қонун-қоидалари ижро этилиши таъминлашни мониторинг қилиш (22-молда).	16 октябр – 6 ноябрь	сиёсий партиялар, ФЖШМҚИ
30.	Сиёсий партиялар олий органларининг ҚП депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича мажлислари (қурултойлари, конференциялари) ўтказилиши жараёнини ОАВда ёритиб бориш (22-молда).	16 октябр – 6 ноябрь	МСК, ФЖШМҚИ, МТРК, ЎЗА, «Жаҳон» АА, «Гуркистон-пресс» АА
31.	МСКнинг сайловолди ташвиқоти: сиёсий партиялар учун беғул эфир вақти ажратиш, сайловолди теле- ва радиороликлар, плакатлар ва бошқа масалалар бўйича мажлисини ўтказиш (27-молда).	6–11 ноябр-гача	МСК, сиёсий партиялар, ЎЗА, МТРК
32.	МСКнинг ҚП депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи бўйича мажлисини ўтказиш (26-молда).	11 ноябрь	МСК, сиёсий партиялар

33.	ҚП депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш нагжжалари тўғрисидаги хабарни эълон қилиш, мазкур материалларни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш (26-модда).	16 ноябрь-гача	МСК, ЎЗА, худудий матбуот нашрлари, сиёсий партияларнинг босма органлари
34.	Хорижий ва миллий журналистлар учун ҚП депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш нагжжалари бўйича матбуот анжуманини ўтказиш.	18 ноябрь-гача	МСК, ТИВ, ЎЗА, МТРК, ЭОАВМА, «Жаҳон» АА, «Туркистон – пресс» АА
35.	Депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини округ сайлов комиссияларида рўйхатга олиш ва уларга тегишли гувоҳномалар бериш (13-модда).	ноябрь – декабрь	Округ сайлов комиссиялари
36.	Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларни рўйхатга олиш.	ноябрь – декабрь	МСК, ТИВ
37.	ҚП депутатлари сайлови бўйича сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари ўз вақтида тайёрлашни ташкил этиш (35-модда).	6 декабрдан кечиктирмасдан	МСК, округ сайлов комиссиялари, ЎЗМАА
38.	ҚП депутатлигига сайлов бўйича сайлов варақалари сайлов участкаларига етказилишини ташкил этиш (41-модда).	8 декабрдан кечиктирмасдан	МСК, округ ва участка сайлов комиссиялари
39.	Сайловчилар рўйхатини тузиш ва уларни ҳамма танишиши учун тақдим қилиш, фуқароларни овоз бериш жойи ва вақти ҳақида хабардор қилиш. Фуқароларнинг овоз бериш вақти ва жойи ҳақида кенг хабардор қилиниши ҳақидаги қонун талаблари бажарилишини танлаб текшириш асосида назорат қилиш (32, 33 ва 38-моддалар).	6 декабрдан кечиктирмасдан	округ ва участка сайлов комиссиялари
40.	ҚП депутатлигига сайлов бўйича сайлов бюллетенлари ўз вақтида сайлов участкаларига етказилишини ташкил этиш (36-модда).	8 – 18 декабрь	МСК, округ ва участка сайлов комиссиялари
III. Сайлов кампаниясининг якуний босқичи			
41.	Фуқароларнинг овоз бериш вақти ва жойи ҳақида кенг хабардор қилиниши ҳақидаги қонунчилик талабларини таъминлаш (38-модда).	11 декабрдан кечиктирмасдан	МСК, округ ва участка сайлов комиссиялари

давоми

42.	Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш. Муддатидан олдин овоз бериш тартибига риоя этилишини таъминлаш.	11–19 декабрь	МСК, округ ва участка сайлов комиссиялари
43.	Овоз беришни ўтказиш. Овоз беришни амалга ошириш тартибига риоя этилишини таъминлаш. (41-модда).	21 декабрь (сайлов куни 6.00 дан 20.00гача)	МСК, округ ва участка сайлов комиссиялари
44.	Қонун талабларига қатъий риоя этган ҳолда овозларни санаб чиқишни амалга ошириш (42-модда).	21 – 22 декабрь (овоз бериш туганидан сўнг бошланади)	округ ва участка сайлов комиссиялари
45.	Эжохаракатнинг ҚП депутатлигига номзодларни кўрсатиш ва сайлаш Конференцияларини ўтказиш (47-модда).	21 декабрдан кечиктирилмасдан	МСК, Эжохаракат
46.	ҚП депутатларини сайлаш бўйича такрорий овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш (45-модда).	2015 йил 4 январдан кечиктирилмасдан	МСК, округ ва участка сайлов комиссиялари
47.	ҚП депутатлар сайловининг нагжаларини аниқлаш, МСКнинг мажлисини ўтказиш ва тегишли қарорни қабул қилиш (44-модда).	31 декабрдан кечиктирилмасдан	МСК
48.	Хорижий журналистлар ва миллий ОАВ вакиллари учун ҚП депутатлари сайловининг якунлари бўйича матбуот анжуманини ўтказиш.	31 декабрдан кечиктирилмасдан	МСК, ЎЗА, ТИВ, «Жаҳон» АА, «Туркистон – пресс» АА
49.	Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг якунлари тўғрисидаги ахборотни ОАВда эълон қилиш (49-модда).	31 декабрдан кечиктирилмасдан	МСК, ЎЗА, МТРК, «Халқ сўзи» – «Народное слово» газетаси
50.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакилик органлари депутатларининг Сенат аъзолари сайлови бўйича қўшма мажлислари ўтказилишини ОАВда эълон қилиш.	2015 йил 5 январдан кечиктирилмасдан	МСК, ЎЗА, худудий матбуот нашрлари

51.	Давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларнинг Сенати аъзолари сайлови кўшма мажлисларини чақириш. МСКнинг мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари кўшма мажлисларининг тегишли қарорларини ва санок комиссиялари баённомаларини кўриб чиқиш (55-модда).	2015 йил 9 январь – 18 январь	МСК, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари
52.	Сенат аъзолари сайлови яқунларини чиқариш, сайланган ва тайинланган сенаторларни рўйхатга олиш, матбуотда Сенат таркиби ҳақидаги ахборотни эълон қилиш (56, 58 ва 62-моддалар).	2015 йил 31 январдан кечиктирмадан	МСК, ЎЗА, «Халқ сўзи» – «Народное слово» газетаси
53.	Хорижий ва мамлакатимиз журналистлари учун Сенатни шакллантириш яқунлари бўйича матбуот анжумани ўтказиш (62-модда).	МСКнинг тегишли йиғилишидан кейин	МСК, ТИВ, ЎЗА, «Жаҳон» АА, «Туркистон – пресс» АА
54.	Сенат аъзоларининг такрорий сайловини ўтказиш (60-модда).	сайловдан кейин кўпи билан 15 кунлик муддат ичида	МСК, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари
55.	ҚПнинг биринчи мажлисини чақириш ва ўтказиш («Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси).	2015 йил 1–11 февраль давомида	МСК, ҚП
56.	Сенатнинг биринчи мажлисини чақириш ва ўтказиш («Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси).	2015 йил 4–14 февраль давомида	МСК, Сенат
57.	Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ариза ва шикоятларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш.	сайлов кампанияси даврида	МСК, округ, участка сайлов комиссиялари ва суд органлари

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 61-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг сайловини ўтказиш бўйича Навоий вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2014 йил 17 июнь куни соат 09-00да Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ўтказилиши белгилансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 10 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**Ф.УМАРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 58, 61-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Навоий вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2014 йил 17 июнь куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан **Фахритдин Саматович Умаров** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Навоий вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ КОТИБИ,
КОТИБИЯТ БОШЛИҒИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 3.6-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби, Котибият бошлиғи **Ойбек Асомович Соатов** берган аризасига биноан вазифасидан озод этилган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби, Котибият бошлиғининг вазифасини вақтинча бажариб туриш Комиссия аъзоси **Комилжон Махаматкулович Адилов**га юклатилсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
2014 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА АМАЛГА ОШИРГАН
ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ
ИККИНЧИ ЯРМИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
ИШ РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари юзасидан Комиссия Раисининг ўринбосари С. Артикованинг қисқача ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тасдиқлансин (2-илова).

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раиси зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июнь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТУРКУМ
СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ амалий масалаларни кенг муҳокама қилиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчиликнинг янги қоида ва нормаларни тушунтириш, шунингдек, сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш бўйича туркум семинарлар шу йилнинг 27 июнидан 9 августигача жойларда жадвал асосида ўтказилсин (*жадвал илова қилинади*).

2. Жойларда семинарлар ўтказиш бўйича ташкилий, услубий ва бошқа масалаларни ҳал этиш Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти зиммасига юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари жойлардаги семинарлар ташкилий-техник жиҳатдан юксак даражада ва уюшқоқлик билан ўтказилиши учун зарур чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ҳудудий семинарларнинг марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Артикова зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

М.Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2014 йил 23 июнь.*

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2014 йил 23 июндаги 604-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш
бўйича ҳудудий семинарлар ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Ҳудудлар	Ўткази- лиш куни	Масъул ходимлар	ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлимлари вакиллари
1.	Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти	27 июнь	1. Марказий сайлов комиссияси 2. ФЖШМҚМИ 3. Давлат бошқаруви академияси 4. Ўзбекистон экологик ҳаракати	ФЖШМҚМИ
2.	Андижон вилояти	18 июль	1. Адилов К. (Ахмедова Ф.) 2. Каримов Т. (ФЖШМҚМИ) 3. Маликова Г. (ДБА) 4. Абдуллаев. А. (ЎЭХ)	Каримов Т.
3.	Фарғона вилояти	16 июль	1. Адилов К. (Мирзаев А.) 2. Алиев М. (ФЖШМҚМИ) 3. Маликова Г. (ДБА) 4. Махмудов М. (ЎЭХ)	Алиев М.
4.	Наманган вилояти	20 июль	1. Адилов К. (Тўрахўжаев А.) 2. Худойбердиев З. (ФЖШМҚМИ) 3. Маликова Г. (ДБА) 4. Супижанов К. (ЎЭХ)	Худойбердиев З.
5.	Қашқадарё вилояти	24 июль	1. Абдуназаров О. (Ражабов Э) 2. Кобилов У. (ФЖШМҚМИ) 3. Асадов Ш. (ДБА) 4. Халимов Н. (ЎЭХ)	Кобилов У.
6.	Сурхондарё вилояти	26 июль	1. Абдуназаров О. 2. Норлиев Р. (ФЖШМҚМИ) 3. Асадов Ш. (ДБА) 4. Бобомуродов Б. (ЎЭХ)	Норлиев Р.
7.	Жиззах вилояти	30 июль	1. Адилов К. (Хўжакулов Э.) 2. Мирзаахмедов Д. (ФЖШМҚМИ) 3. Маликова Г. (ДБА) 4. Хидоятлов Р. (ЎЭХ)	Мирзаахмедов Д.

давоми

8.	Бухоро вилояти	1 август	1. Абдуназаров О. (Фаттоев Е.) 2. Бафоев Ш. (ФЖШМҚМИ) 3. Назаров Ш. (ТДЮУ) 4. Толипов Н. (ЎЭХ)	Бафоев Ш.
9.	Навоий вилояти	4 август	1. Адиллов К. (Норов Ж.) 2. Раупов Х. (ФЖШМҚМИ) 3. Исмаилова Г. (ДБА) 4. Тогаев Э. (ЎЭХ)	Раупов Х.
10.	Самарқанд вилояти	6 август	1. Адиллов К. (Сирожиддинов Ш.) 2. Пардаев А. (ФЖШМҚМИ) 3. Хамитов Ҳ. (ТДЮУ) 4. Абдуллаев Б. (ЎЭХ)	Пардаев А.
11.	Қорақалпоғистон Республикаси	7 август	1. Садиков Ж. (Бабаназарова М.) 2. Саробаев М. (ФЖШМҚМИ) 3. Умаров Б. (ТДЮУ) 4. Бегимов А. (ЎЭХ)	Саробаев М.
12.	Хоразм вилояти	9 август	1. Садиков Ж. (Бобожонов О.) 2. Абдуллаев И. (ФЖШМҚМИ) 3. Юлдашев А. (ДБА) 4. Бекчанов К. (ЎЭХ)	Абдуллаев И.
13.	Сирдарё вилояти	23 июль	1. Артикова С. (К.Адиллов) 2. Кудратов С. (ФЖШМҚМИ) 3. Исмаилова Г. (ДБА) 4. Бегиев О. (ЎЭХ)	Кудратов С.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2014 йил 14 январь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ва Комиссиясининг 2014 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди.

Шунингдек, мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Нармунин Аманович Чариевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

2014 йил 18 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Сурхондарё вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини 2014 йил 26 февраль куни соат 10.00да ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

* * *

2014 йил 4 март куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги Қонуни 58, 61-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Сурхондарё вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Сенат аъзоси сайлови бўйича 2014 йил 26 февраль куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан Эшдавлат Турсунович Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Сайфиддин Ше-

ралиевнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ тарзда Ўзбекистон сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида миллий сайлов қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан халқаро ҳамжамиятни таништириш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказишга тайёргарлик кўриш бўйича манфаатдор ташкилотларнинг таклифларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуннинг 5, 9-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, БМТ Тараққиёт дастури, МДИ (АҚШ) ва Ф.Эберт номли Фонд (Германия) билан ҳамкорликда 2014 йил 23 май кунлари Тошкент шаҳрида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

* * *

Жорий йилнинг 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига, хусусан, сайлов тизими билан боғлиқ 117-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унинг ишида Комиссия аъзолари, сайлов соҳаси бўйича олим ва мутахассислар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларида сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминловчи Марказий сайлов комиссияси бошчилигида сайлов комиссияларининг яхлит мустақил тизими шаклланди.

Қонунчиликка биноан, ҳокимият вакиллик органларига сайловлар кўп-партиявийлик асосида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистонда сай-

ловларда фуқаролар ва сиёсий партияларнинг эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техник шароитлар яратилди.

Ўз вақтида кўрилган бу каби ташкилий ва амалий чора-тадбирлар сайловларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёрларга амал қилган ҳолда, очиқлик ва ошкоралик шароитида яширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи принципларига тўла мувофиқ тарзда ўтказилишини таъминламоқда.

Семинар давомида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан таъкидланганидек, Конституциямизнинг 117-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мустақил орган – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг демократик шаклланиши тартибини, Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланиши, шунингдек, Комиссия раисининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича Комиссия мажлисида сайланиши, Комиссия фаолиятининг асосий вазифалари ва фаолият принциплари каби муҳим масалаларни конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўймоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Семинар иштирокчилари янги нормалар Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақомини белгилаши ҳамда фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш конституциявий ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳақида ўз фикр ва нуқтаи назарларини билдирдилар.

* * *

2014 йил 17 апрель куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сай-

лов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги ПФ-4614-сон Фармонида асосан Светлана Баймирзаевна Артикованинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига мувофиқ Светлана Баймирзаевна Артикова Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишлайдиган комиссия аъзоси Жанабай Садиқов лавозимидан озод этилди. Шунингдек, Олимжон Тоштемирович Абдуназаровни Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишлаш учун жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

* * *

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ жорий йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ташкил этади ва ўтказди.

Мажлисида 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури кўриб чиқилди.

Мажлис иштирокчиларининг фикрича, 2009 йилдаги сайловлардан кейин мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни энг демократик талабларга ва умум эътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ўтказишнинг муҳим омилига айланади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини татбиқ этиш бунга кўп жиҳатдан имкон берди.

Концепция доирасида сайлов қонунчилигига сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимининг янада демократлашувига, депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш борасида тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Сайлов мобайнида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилди.

Концепция қоидаларини ривожлантирган ҳолда, 2014 йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиш партиялараро рақобатни кучайтиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида зикр этилган қонунга мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни давлат ҳокимиятининг бошқа қайсидир органлари аралашувисиз таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди, унинг фаолият кўрсатиш механизми, фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган асосий принциплари белгиланди. Буларнинг барчаси сайловларнинг демократлилигини, очиқлиги ва ошкоралигини, қонунийлигини ҳар томонлама таъминлашнинг энг муҳим кафолатига айланди.

Муҳокама давомида таъкидланганидек, дастурда сайлов компаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошкоралик, очиқликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ташкил қилиш ишларини қонунчиликка мувофиқ тарзда амалга ошириш назарда тутилган.

Дастур сайлов қонунчилиги қоидаларини сайловчиларга атрофлича тунштириш бўйича ахборот-таҳлил ишларини самарали ташкил этиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, миллий сайлов тизимини янада демократлаштиришнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича халқаро, республика ва минтақавий тадбирлар ўтказишни назарда тутди.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ана шу дастурларда ўз ифодасини топган позицияларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилади.

Мажлис иштирокчилари тадбирлар дастури сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши ва эркин рақобатлашиши, фуқароларнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминлашини алоҳида таъкидладилар.

Мажлисида муҳокама натижалари бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

2014 йил 10 июнь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Навоий вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайловини 2014 йил 17 июнь куни соат 09-00да Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

* * *

2014 йил 23 июнь куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилнинг биринчи ярмида амалга оширган ишлари юзасидан Комиссия раисининг ўринбосари С. Артикованинг қисқача ахбороти маълумот ўрнида қабул қилинди ва Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги Қонуни 58, 61-моддалари ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Навоий вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Сенат аъзоси сайлови бўйича 2014 йил 17 июнь куни ўтказилган кўшма мажлиси баённомасига асосан Фахритдин Саматович Умаровни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ амалий масалаларни сайлов комиссиялари аъзолари билан кенг муҳокама қилиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашни тартибга соладиган қонунчиликнинг янги қоида ва нормаларни тушунтириш, шунингдек, сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш бўйича туркум семинарлар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 3.6-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби, Ойбек Асомович Соатов берган аризасига биноан вазифасидан озод этилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби вазифасини вақтинча бажариб туриш Комиссия аъзоси Комилжон Махаматкулович Адилловга юклатилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Марказий сайлов комиссиясидаги учрашувлар

2014 йил 20 февраль куни Марказий сайлов комиссиясида Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари меҳмонни Комиссия фаолияти ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида 2010 йил 12 ноябрида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида қабул қилинган. Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳақида хабардор қилди.

Учрашув мобайнида Н. Айдаров 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган сайловлар натижалари, хусусан, сайланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари таркибининг сон ва сифат кўрсаткичлари билан қизиқди.

Н. Айдаров фикрича, «махалла институтининг амал қилиши тажрибаси Қозоғистон учун қизиқарлидир. Чунки маҳалла—бу ноёб институт. Маҳаллаларнинг ўзини ўзи бошқариш ва мамлакат ижтимоий ҳаётида иштирок этиш бўйича уюшқоқлик билан ишлаш тажрибаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожи-

кистон ва Туркменистонда йўқ. Шу маънода Ўзбекистоннинг ижобий тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади».

Шунингдек, учрашув давомида Н. Айдаров жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган парламент сайловига тайёргарлик кўриш масалалари билан қизиқди.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва Котибият масъул ходимлари иштирок этди.

* * *

17 июль куни Тошкентда сайлов кампаниясига сифатли тайёргарлик кўришни ташкил этишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ва вилояти сайлов комиссиялари, Тошкент вилояти туман ва шаҳар сайлов комиссиялари раислари ҳамда аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экологик ҳаракат вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат бошқаруви академияси олим ва мутахассислари, вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинар иштирокчилари мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида демократик талаблар ва умум эътироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилганини алоҳида таъкидлади. Бугунги кунда замонавий парламентаризмни ривожлантириш мамлакатимизни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш борасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилишида қонунчилик ҳокимиятининг ролини кучайтириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтириш, кўппартиявийлик тизimini мустаҳкамлаш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазкур ижобий ўзгаришлар асосини ташкил этади.

Семинарда таъкидланганидек, навбатдаги парламент сайлови жамиятимиз эркинлашган ва демократлашган, иқтисодиётимиз барқарор ва мустаҳкам ривожланган, аҳоли турмуш фаровонлиги ошган, мамлакатимиз халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаётган мутлақо янги шароитда бўлиб ўтади.

Семинар доирасида сайлов жараёнини мониторинг қилиш, бу борада сайлов комиссияларининг тутган ўрни, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни

Ўтказишда ушбу комиссиялар олдида турган долзарб масалалар, шунингдек, Экологик ҳаракатдан парламентнинг қуйи палатасига депутатликка номзодларни кўрсатиш ва сайлашнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маърузалар тингланди. Сайловларга давлат ҳокимияти бошқа органларининг аралашувисиз тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишни таъминлайдиган сайлов комиссиялари фаолиятини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шу йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларни юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯЛАР, АНЖУМАНЛАР, СЕМИНАРЛАР

2014 йил 4–6 март кунлари ЕХХТ/ДИИХБнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти умумий бўлим мудирини Ғайрат Машкуров ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими бош мутахассиси Нозимахон Махкамова ЕХХТ/ДИИХБнинг қисқа муддатли кузатувчилари учун Тирана шаҳрида (Албания) ўтказилган тренингда иштирок этди. Унда ЕХХТда иштирок этувчи 18 та мамлакатнинг 36 нафар вакили қатнашди.

Уч кунлик ўқув доирасида тренинг иштирокчилари ЕХХТ/ДИИХБнинг сайловларни кузатиш борасидаги асосий йўналишлари ва вазифалари, қисқа муддатли кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш услубиёти билан танишиб, халқаро кузатувни амалга оширишда вужудга келадиган турли вазиятларни ҳал қилиш амалий масалаларини ўргандилар.

Тренинг иштирокчиларига унинг якунида ЕХХТ/ДИИХБнинг қисқа муддатли кузатувчилари сертификатлари топширилди.

* * *

Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси (БСОУ) ва Корея Республикаси Миллий сайлов комиссиясининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг делегацияси 30 май – 6 июнь кунлари БСОУ Кузатувчилари миссияси таркибида Корея Республикасининг 2014 йил 4 июнда бўлиб ўтган миллий маҳаллий сайловларини кузатиш дастурида иштирок этди. Кузатишда дунёнинг 45 та мамлакатидан 117 нафар вакили қатнашди.

Корея Республикаси сайлов қонунчилигига мувофиқ ушбу сайловлар маҳаллий ҳукуматлар раҳбарлари ва маҳаллий Кенгашлар аъзоларининг ваколат муддати тугагунга қадар 30 кун қолганида биринчи чоршанба куни ўтказилади.

Сайловчилар рўйхатига 41 296 228 киши киритилган бўлиб, 3 952 мансаб учун 8 997 нафар номзод кураш олиб борди. 13 665та сайлов участкаси, 3 506та муддатидан олдин овоз бериш участкаси, 252та овозларни санаб чиқиш маркази ташкил қилинди.

3 952 сайланадиган лавозимларнинг 17 таси – шаҳар мэриялари ва провинцияларининг губернаторлари, 17 таси – таълим бошқармаларининг раҳбарлари, 226 таси – туман раҳбарлари, шаҳар ва провинциялар Кенгашларининг 789 нафар аъзолари, 2898 нафари – туман Кенгашлари аъзолари.

Корея Республикаси Миллий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, сайловда 23,4 млн. киши ёки сайловчиларнинг рўйхатига киритилган мамлакат аҳолисининг 56,8% қатнашди. Бу 1998 йилдан бери сайловда қатнашишнинг энг юқори кўрсаткичи ҳисобланади. Кореянинг маҳаллий сайловларининг тарихида муддатидан илгари овоз бериш ўтказилиб, ундан сайловчиларнинг 11,49% фойдаланди.

* * *

Жорий йилнинг 10–11 июль кунлари Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Светлана Артикова бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Вена шаҳрида (Австрия) бўлиб ўтган ЕХХТнинг гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш бўйича 2004 йилдаги Ҳаракатлар режасининг ўн йиллиги муносабати билан ўтказилган ЕХХТнинг гендер тенглиги бўйича таҳлил конференциясида иштирок этди.

Тадбир мобайнида делегация аъзолари хорижий иштирокчиларни республикада хотин-қизларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳақида хабардор қилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда ушбу соҳада миллий қонунчилик яратилиб изчил ривожланмоқда, оналикни муҳофаза қилишга, ҳуқуқлар тенглигини, ижодий ва маънавий салоҳият ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган тегишли чоралар амалга оширилмоқда.

Конференция ишида ЕХХТга ва БМТга 57 аъзо мамлакатнинг, шунингдек, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти ва мустақил институтларнинг вакиллари иштирок этди.



В Е С Т Н И К

**ЦЕНТРАЛЬНОЙ
ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ КОМИССИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

№ 1 (31)

2014

Ташкент – 2014

ВЕСТНИК
Центральной избирательной
комиссии Республики
Узбекистан

2014 год № 1 (31)

Издается с 1999 года

Зарегистрирован
Узбекским агентством
по печати и информации
Республики Узбекистан.
Регистрационный номер 0838

Учредитель:
ЦЕНТРАЛЬНАЯ
ИЗБИРАТЕЛЬНАЯ
КОМИССИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН

Материалы в каждом номере
публикуются на узбекском
и русском языках

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ
РЕДАКЦИОННОЙ
КОЛЛЕГИИ

Мирза-Улугбек
АБДУСАЛОМОВ

РЕДАКЦИОННАЯ
КОЛЛЕГИЯ

Комилжон АДИЛОВ
Отгалди БОБОЖОНОВ
Жанабай САДЫКОВ
Темур ШИРИНОВ
Жавлон АБДУЛЛАЕВ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР

Низомиддин НУРМАТОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:

100078, г. Ташкент,
Площадь Мустакиллик, 6.
www.elections.uz
e-mail:saylov@umail.uz
Телефон: 239-43-91

Издательская лицензия АИ № 158, 14.08.09.
Подписано в печать 11 ноября 2014 года.
Формат 60x84 1/8. Бумага офсетная. Печать
офсетная. Гарнитура «Times». Условно-пе-
чатных листов 16,74+0,93 вкл. Учетно-из-
дательских листов 15,08+1,04 вкл. Тираж
1000. Заказ № 14-645.

Издательско-полиграфический творческий
дом «Узбекистан» Узбекского агентства по
печати и информации. 100129, г. Ташкент,
ул. Навои, 30.

СОДЕРЖАНИЕ

79

М. Абдусаломов. Роль Центральной избирательной комиссии в подготовке и проведении демократических выборов в Узбекистане.

85

Избирательное законодательство Узбекистана и международные стандарты проведения демократических выборов

88

Высказывания национальных и зарубежных участников

90

ОФИЦИАЛЬНЫЕ ДОКУМЕНТЫ

Закон Республики Узбекистан «**О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан**»

93

Закон Республики Узбекистан «**О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием Закона Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистан (статьи 32, 78, 93, 98, 103 и 117)»**»

97

Постановление Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан «**О внесении изменений в состав Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан**»

102

ПОСТАНОВЛЕНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ
ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ КОМИССИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

